



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

### BUYRUG‘I

20 22\_yil “ 12 ” сентябр

№ 248

Toshkent sh.

#### **Тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник баённомалари ва стандартларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-283-сон қарорига асосан тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг стандарт ва протоколларини тасдиқлаш мақсадида

#### **БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-283-сон қарорига асосан тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг стандарт ва протоколларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш топшириғи белгиланганлиги инобатга олинсин.

#### **2. Қуйидагилар:**

Шошилич тиббий ёрдам марказлари қабул бўлимларида беморлар ахволи оғирлигини баҳолаш ва саралаш тизими (триаж) бўйича миллий клиник баённомалар **1-иловага**;

тез тиббий ёрдам хизмати бригадалари учун миллий клиник баённомалар **2-иловага**;

тез тиббий ёрдам хизмати диспетчерлари учун миллий клиник баённомалар **3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

3. Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рискиев), Республика тез тиббий ёрдам маркази (А.Гафуров), Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази (Д.Туляганов) Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари билан биргаликда мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник баённомаларни вилоят, туман (шаҳар) миқёсида тегишли тиббиёт муассасаларига етказилиши, амалиётда кенг татбиқ этилишини ташкил этсин.

4. **Фан ва таълим бошқармаси** (Ў.Исмаилов) мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник баённомаларни 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббий олий таълим муассасаларининг бакалаврият, магистратура, клиник ординатура босқичлари, шунингдек, шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларига киритилишини таъминласин.

5. **Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси** (Б.Акилов) тиббиёт муассасаларида ўтказиладиган ўрганишларда мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник баённомаларнинг тиббиёт амалиётига татбиқ этилиши ва унга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатсин.

6. **“IT-MED” МЧЖ** (А.Хақимов) мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник баённомаларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирасин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир



Б.Мусаев